Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 114 (8854). ● 10 июнь, 1986 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

*• Мусобақа кундалиги*

## Мажбурият муддатидан илгари бажарилди

Саноат темирйўл транспорти корхонасининг Қалмоққир участкасида Г. Тазетдинов бошлиқ смена йил бошидан бери пландан ташқари 160 минг куб метр тоғ жинслари ташиди. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида бошланган социалистик мусобақа ташаббускорлари шу тариқа беш йилликнинг дастлабки йилида ўз зиммаларига олган мажбуриятларини икки баравардан зиёд ошириб адо этдилар. Меҳнат унумдорлиги 9,5 процент ошди.

Бундан бир йил илгари бутун бир участка пландан ташқари 60—70 минг куб метр тоғ жинси ташишни белгилаб қўйган эди. Эндиликда бир сменанинг ўзи бу маррани бир неча баравар ошириб адо этмоқда. Жадаллаштириш сири нимада? Транспортчилар хўжалик ҳисобини кенг жорий этиш — муваффақият гарови эканлигига аминдирлар. Эндиликда сменанинг барча учта звеноси, поезд диспетчерлари, электровоз машинистлари, ҳаракат операторлари ягона наряд асосида ишламоқдалар.

(ЎзТАГ мухбири).

## М. С. Горбачев Венгрияга жўнаб кетди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан 8 июнь куни дўстлик визити билан Москвадан Венгрия Халқ Республикасига жўнаб кетди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев М. С. Горбачев билан бирга кетди.

Внуково аэродромида М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Г. А. Алиев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар П. Н. Демичев, В. И. Долгих, С. Л. Соколов, Н. В. Тализин, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, М. В. Зимянин, В. П. Никонов, Г. П. Разумовский, А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг раиси И. В. Капитонов, бошқа ўртоқлар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида ВХРнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Я. Барабаш бор эди.

* * *

М. С. Горбачев шу куни Будапештга келди.

Аэропортда СССР ва ВХР давлат байроқлари кўтарилган эди. Совет Иттифоқидан келган олий мартабали меҳмонни ВСИП Бош секретари Я. Кадар, ВСИП Марказий Комитетининг секретари М. Сюреш, ВХРнинг СССРдаги элчиси Ш. Райнаи, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида СССРнинг ВХРдаги элчиси Б. И. Стукалин бор эди.

Венгрия пойтахтининг аҳолиси М. С. Горбачевни самимий табриклади. Пионерлар унга гуллар тақдим этишди.



БУДАПЕШТ. Учрашув пайти. ТАСС—ЎзТАГ телефотоси.

## М. С. Горбачев Я. Кадар билан суҳбатлашди

8 июнь куни Будапештда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев билан Венгрия Социалистик Ишчи партиясининг Бош секретари Я. Кадар учрашдилар.

Иккала партиянинг раҳбарлари КПСС XXVII съезди ва ВСИП XIII съездининг қарорлари қандай бажарилаётганлиги ҳақида бир-бирларига ахборот бердилар, Совет-Венгрия ҳамкорлигининг ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари тўғрисида, жаҳон сиёсатининг ҳамда халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг энг муҳим масалалари ҳақида фикрлашиб олдилар.

Социал-иқтисодий ривожланишни ва фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, халқ фаровонлигини ошириш, социализм имкониятлари ва афзалликларидан янада тўла-тўкис фойдаланиш йўлида социалистик демократияни такомиллаштириш — КПСС билан ВСИПнинг муштарак мақсади эканлиги таъкидланди.

М. С. Горбачев билан Я. Кадар Совет Иттифоқи билан Венгрия ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳида самарали ривожланиб бораётганини мамнуният билан таъкидладилар. КПСС билан ВСИП ўртасидаги анъанавий самимий, ўртоқларча муносабатлар, олдинда турган вазифаларни ҳал этишда уларнинг ўзаро бирдамлиги ва мададкорлиги, мунтазам равишда самарали фикрлашувлар ва тажрибани баҳам кўриш алоҳида аҳамиятга эгадир. Иккала партия ўртасида ижтимоий тараққиёт ва жаҳон сиёсатининг барча асосий масалаларига ёндашувларда фикрларнинг тўла бирлиги мавжуд.

КПСС билан ВСИП Совет-Венгрия муносабатларини марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принциплари асосида янада чуқурлаштиришга интилмоқдалар. Бундан буён ҳам улар ҳамкорликни такомиллаштириш, бир-бирининг тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланиш социалистик қурилиш ишини олға силжитишга тобора кўпроқ кўмаклашаверишини кўзлаб иш тутаверадилар.

Икки томонлама иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларни муттасил ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Иккала мамлакатнинг ҳамкорлиги шу беш йилликда ҳам мавжуд имкониятлар ва эҳтиёжларни эътиборга олиб, мустаҳкам асосда амалга оширилишига катта эътибор берилмоқда. Товар оборотини янада кенгайтиришга иккала томоннинг интилаётганлиги таъкидланди. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялашни чуқурлаштириш, иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги асосий совет-венгер битимларини 1990 йилдан кейинги даврга узайтиришга тайёргарлик кўриш ўзаро баҳамжиҳат ҳаракатларнинг янги, илғор шаклларини жорий этиш, корхоналар ўртасида бевосита алоқалар ўрнатиш ҳамда қўшма хўжалик ташкилотлари тузиш юзасидан бошланган ишни жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди. СССР ва ВХР ҳукуматлари йўли билан зарур чора-тадбирлар кўрилади, деб келишиб олинди.

Иккала партия социалистик ҳамдўстликнинг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашга, қардош партияларнинг манфаатларини самарали равишда мувофиқлаштириб туришга, уларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлиги воситалари ҳамда методларини янгилашга бундан буён ҳам ҳар томонлама кўмаклашишга азму қарор берганлар. Улар бу соҳада қардош партиялар съездларининг қарорлари ва уларнинг раҳбарлари коллектив учрашувларида эришилган аҳдномалар руҳида янада каттароқ силжишга эришишни муҳим деб ҳисоблайдилар.

Томонлар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши шу ташкилотга кирувчи барча мамлакатлар тараққиётининг мустаҳкам негизи эканлигига ишонч изҳор қилдилар. Унинг фаолиятини такомиллаштириш, социалистик иқтисодий интеграциянинг янги механизмини жорий қилиш қардош мамлакатлар социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга янада кўпроқ даражада кўмаклашади. Ҳозирги вақтда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар фан-техника тараққиётининг 2000 йилгача мўлжалланган комплекс программасини изчиллик билан бажариш энг муҳим вазифадир.

СССР билан ВХР ялпи тинчлик манфаатлари социалистик мамлакатларнинг жаҳон майдонидаги баҳамжиҳат, фаол ҳаракат қилишларини талаб этади, деган фикрга доимо асосланиб иш тутмоқдалар. Ҳозирги вазиятда Варшава Шартномаси ташкилотининг самарали фаолияти тинчлик ва халқаро хавфсизликни сақлашнинг зарур шарти ва энг муҳим омилидир, деб таъкидлашди улар. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг Будапештдаги кенгаши иттифоқчи давлатлар бирлигини мустаҳкамлашга, амалий мулоқотни авж олдиришда уларнинг мувофиқлаштирилган ташқи сиёсат фаолиятини кучайтиришга кўмаклашади, деган ишонч билдирилди.

М. С. Горбачев билан Я. Кадар ҳозир тинчликни сақлаб қолишдан, қуролланиш пойгасини, аввало ядровий қуролланиш пойгасини жиловлашдан ва бу пойганинг янги соҳаларга ёйилишига йўл қўймасликдан ҳам муҳимроқ ва зарурроқ вазифа йўқлигини таъкидлаб ўтдилар. Ҳозирги халқаро вазиятда барча давлатларнинг масъулият билан иш тутиши ва амалий куч-ғайрат сарфлаши зарур. АҚШ ва унинг иттифоқчилари экстремист доираларининг хатти-ҳаракатлари натижасида халқаро аҳвол ҳали ҳам кескин бўлиб турганлигидан ҳавотирлик изҳор этилди. Империалистларнинг аралашуви, зўравонлик билан тазйиқ ўтказиши, мустақил халқларга қарши иқтисодий камситиш ҳаракатлари тез-тез такрорланмоқда.

Турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашигина инсониятнинг хавф-хатарсиз келажагини таъминлай олишига иккала партия аминдир. Женевада олий даражада ўтказилган Совет-Америка учрашувидан кейин очилган қулай имкониятлар империалист кучларнинг айби билан қўлдан бой берилаётганини иккала партия йўл қўйиб бўлмайдиган ҳол, деб ҳисоблайди. АҚШ аҳдномаларга эришишга ҳақиқатан ҳам тайёр бўлган тақдирдагина барча низоли масалаларни бартараф этиш, халқаро муносабатларни соғломлаштириш мумкинлиги уқтириб ўтилди.

Я. Кадар Совет Иттифоқининг дунёдаги аҳволни яхшилаш муддаосига, унинг музокараларга, мустаҳкам ва хавф-хатарсиз тинчликни таъминлашни кўзловчи кенг қамровли ташаббуслар кўрсатишга тайёрлигига ВСИП ва бутун венгер халқи номидан юксак баҳо берди ҳамда уни қўллаб-қувватлашини изҳор этди.

КПСС билан ВСИП раҳбарлари Европа қитъасида тинчликни, тинч муносабатларни ва ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг муҳим аҳамиятини яна таъкидлаб ўтдилар. ВСИПнинг Хельсинки жараёнини янада ривожлантириш йўлидаги амалий куч-ғайратларини КПСС юксак баҳолади.

М. С. Горбачев билан Я. Кадар шуни маълум қилдиларки, КПСС билан ВСИП муштарак мақсадларга эришиш учун, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда коммунистик ҳамда ишчи партияларнинг интернационал бирдамлигини ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашаверадилар. Улар бир-бири ишларининг аҳволи ва фаолияти билан ўзаро яхшироқ танишишга, ҳаёт ўртага қўяётган янги масалаларни ҳал этиш йўлларини излашга, қардош партиялар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ижодий, ошкора, ўртоқларча фикрлашувларни табриклайдилар.

КПСС билан ВСИП тинчлик, ҳамжиҳатликни яхшилаш ва биргаликда ҳаракат қилиш манфаатларини кўзлаб, бундан буён ҳам социалистик ва социал-демократик партиялар билан, оммавий демократик ҳаракатлар ва урушга қарши ҳаракатлар билан, социал ва миллий озодлик кучлари билан, халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги иши учун ўз масъулиятини англовчи барча оқимлар ва ташкилотлар билан бундан буён ҳам ҳамкорлик қилаверадилар.

М. С. Горбачев билан Я. Кадарнинг иккала партия, давлат ва халқ ўртасидаги муносабатларга хос самимият муҳитида, дўстлик руҳида ўтган суҳбати муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тўла якдилликни тасдиқлади.

М. С. Горбачев Я. Кадарни Совет Иттифоқига боришга таклиф қилди. Таклиф миннатдорчилик билан қабул этилди.

(ТАСС).

## ГУЛЧАМБАРЛАР ҚЎЙИЛДИ

БУДАПЕШТ, 9 июнь. (ТАСС). ВСИП Марказий Комитетининг таклифига биноан дўстлик визити билан Венгрия Халқ Республикасига келган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев ўз ватани озодлиги ва мустақиллиги учун курашда ҳалок бўлган венгриялик қаҳрамонлар ёдгорлиги пойига бугун гулчамбар қўйди.

Парадлар майдонида жаҳон пролетариати йўлбошчиси В. И. Лениннинг ҳайкали пойига гулчамбар қўйиш маросими бўлди.

М. С. Горбачев Сабадшаг майдонида Венгрия озодлиги учун гитлерчи фашистларга қарши жангларда ҳалок бўлган совет ҳалоскор жангчилари монументига ҳам гулчамбар қўйди.

Венгрия пойтахтининг кўчалари ва майдонларида Будапешт аҳолиси КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарини қизғин ва самимий табриклаб турди. М. С. Горбачев меҳнаткашлар, ёшлар билан суҳбатларда уларга, бутун венгер халқига социалистик қурилишда янги-янги муваффақиятлар тилади.

Гулчамбарларни қўйиш маросимида КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, ВСИП Марказий Комитетининг секретари М. Сюреш, Будапешт шаҳар кенгашининг раиси З. Сепвельди, ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХРнинг СССРдаги элчиси Ш. Райнаи, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг ВХРдаги элчиси Б. И. Стукалин ҳозир бўлдилар.

## ҲУРМАТ ТАХТАСИ

**Пилла етиштириш ва давлатга топшириш планларини бажарганликлари учун қуйидагилар область «Ҳурмат тахта»сига ёзиладилар.**

### ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ

**«Северний маяк» колхози** (раиси С. С. Когай, партия ташкилотининг секретари Т. М. Мирбобоев, касаба союз ташкилотининг раиси О. Т. Эм, комсомол ташкилотининг секретари Х. К. Оқбердиев, пиллачилик агротехниги М. Ф. Сайфулина).

**«Ленин йўли» колхози** (раиси М. Убайдуллаев, партия ташкилотининг секретари К. Г. Гинашев, касаба союз ташкилотининг раиси Д. А. Сайдолимов, комсомол ташкилотининг секретари М. Х. Исмоилов, пиллачилик агротехниги С. Раҳмонова).

**Энгельс номли колхоз** (раиси Б. К. Қосимов, партия ташкилотининг секретари Э. Шерматов, касаба союз ташкилотининг раиси Т. А. Мамажонов, комсомол ташкилотининг секретари М. Й. Убайдуллаев, пиллачилик агротехниги Б. Х. Холбеков).

**Ленин номли колхоз** (раиси М. Каримов, партия ташкилотининг секретари Қ. Деҳқонов, касаба союз ташкилотининг раиси У. Жуасбоев, комсомол ташкилотининг секретари С. Саримсоқов, пиллачилик агротехниги Х. Турдиева).

**«Партия XXII съезди» колхози** (раиси Т. Шарафутдинов, партия ташкилотининг секретари А. Ҳикматов, касаба союз ташкилотининг раиси И. Ҳасанов, комсомол ташкилотининг секретари А. Тошматов, пиллачилик агротехниги Д. Тавхидова).

**Ким Пен Хва номли колхоз** (раиси Т. Мадиёров, партия ташкилотининг секретари М. Маматхолиқов, касаба союз ташкилотининг раиси У. Тоғаев, комсомол ташкилотининг секретари А. Қодиров, пиллачилик агротехниги Х. Мўминова).

**Свердлов номли колхоз** (раиси М. Дусанбоев, партия ташкилотининг секретари И. Жуламонов, касаба союз ташкилотининг раиси К. Исломов, комсомол ташкилотининг секретари Х. Раҳмедов, пиллачилик агротехниги С. Бойбозоров).

**Терешкова номли колхоз** (раиси У. Ҳасанова, партия ташкилотининг секретари Р. Сайтмуродов, касаба союз ташкилотининг раиси Р. Рўзиев, комсомол ташкилотининг секретари З. Носиров, пиллачилик агротехниги Х. Қаюмов).

**А. Икромов номли колхоз** (раиси З. Мўминов, партия ташкилотининг секретари А. Исаев, касаба союз ташкилотининг раиси А. Марасулов, комсомол ташкилотининг секретари С. Ботирова, пиллачилик бўйича агротехник-бригадир Н. Баркашева).

### ТОШКЕНТ РАЙОНИ

**«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги»** колхози (раиси Н. Боймуҳамедов, партия ташкилотининг секретари И. Қориев, касаба союз ташкилотининг раиси К. Пўлатов, комсомол ташкилотининг секретари Х. Усмонов, пиллачилик агротехниги Г. Юсупова).

**«Ленин йўли» колхози** (раиси С. Муҳаммаджонов, партия ташкилотининг секретари М. Ҳидоятов, касаба союз ташкилотининг раиси С. Абдураҳимов, комсомол ташкилотининг секретари А. Сулаймонов, пиллачилик агротехниги Б. Муҳаммаджонов).

**Ленин номли колхоз** (раиси А. Умаров, партия ташкилотининг секретари Г. Йўлчиев, касаба союз ташкилотининг раиси А. Абдуллаев, комсомол ташкилотининг секретари Р. Ахматов, пиллачилик агротехниги М. Шералиева).

**Ильич номли колхоз** (раиси Т. Зиёдов, партия ташкилотининг секретари Ш. Боҳодиров, касаба союз ташкилотининг раиси О. Мираҳмедова, комсомол ташкилотининг секретари А. Абролов, пиллачилик агротехниги Р. Тожиев).

**Собир Раҳимов номли колхоз** (раиси А. Абдураҳимов, партия ташкилотининг секретари Д. Каримжонов, касаба союз ташкилотининг раиси Т. Сиддиқов, комсомол ташкилотининг секретари Р. Тоиров, пиллачилик агротехниги С. Мирзалиева).

**«Ленинград» совхози** (директори С. Суннатов, партия ташкилотининг секретари А. Иброҳимов, касаба союз ташкилотининг раиси С. Ҳожиакбаров, комсомол ташкилотининг секретари Ф. Тошпўлатова, пиллачилик агротехниги А. Йўлдошев).

### ЧИНОЗ РАЙОНИ

**Киров номли колхоз** (раиси Х. Акрамов, партия ташкилотининг секретари Ё. Охунов, касаба союз ташкилотининг раиси ва комсомол ташкилотининг секретари Ш. Аҳмедов, пиллачилик агротехниги Д. Очилов).

**«Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми** (директори С. Сатторов, партия ташкилотининг секретари А. Нестеров, касаба союз ташкилотининг раиси А. Макаримов, комсомол ташкилотининг секретари Т. Дуринбетов, пиллачилик агротехниги Ш. Бурхонов).

### ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ

**«Интернационал» колхози** (раиси И. Зуфаров, партия ташкилотининг секретари В. Маҳмудов, касаба союз ташкилотининг раиси А. Костаев, комсомол ташкилотининг секретари Х. Шаваладов, пиллачилик агротехниги К. Алисултонов).

### ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ

**«Ленинизм» колхози** (раиси Т. Набиев, партия ташкилотининг секретари А. Баратов, касаба союз ташкилотининг раиси Р. Йўлдошев, комсомол ташкилотининг секретари Ю. Ўринбоев, пиллачилик агротехниги А. Бегимқулов).

### ОҲАНГАРОН РАЙОНИ

**«Олмалиқ» совхози** (директори Ш. Нурмуҳамедов, партия ташкилотининг секретари Ю. Абдуқодиров, касаба союз ташкилотининг раиси Б. Абдуллаева, комсомол ташкилотининг секретари З. Тавбаева).

## МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЯНГИ РЕЖАЛАРИ

**ИТТИФОҚИМИЗНИНГ барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги каби республикамиз ва областимиз билим муассасаларида ҳам КПСС Марказий Комитетининг «Мамлакатда олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуришнинг Асосий йўналишлари» ўрганилмоқда. Ўқув даргоҳлари коллективларида лойиҳани муҳокама қилишга киришилди. Олимлар, илм-фан ташкилотчилари, педагоглар, студентлар бу муҳим ҳужжат юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини, истакларини билдирмоқдалар.**

### КАТТА ВАЗИФАЛАР

Техникумимизни битирган ёшларнинг ҳаммаси ҳам ишлаб чиқаришга боргач, ишни бемалол бошқариб кета олади дейиш қийин. Бунинг сабаби ўқув муассасасида ҳам, практика ўтказиладиган жойларда ҳам талабаларда мустақил ижодкорлик ва ташаббускорликни шакллантиришга кам эътибор берилмоқда. Шу жиҳатдан олганда КПСС Марказий Комитетининг олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуриш ҳақидаги лойиҳаси айни долзарб ва зарур ҳужжат бўлди.

Яширишнинг ҳожати йўқ, лойиҳада таъкидланганидек, ўрта звено кадрларини тайёрлашда, ўрта махсус ўқув юртларининг ролига етарли баҳо берилмасди. Уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, ихтисосликларини белгилашда ноаниқликларга йўл қўйилиб келинарди.

Эндиликда лойиҳадан кўриниб турибдики, ана шу муаммолар жадаллик билан ҳал этилади. Бу эса мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилайди. Халқ хўжалигининг ўрта звенодаги кадрларга бўлган эҳтиёжини қондиришга ёрдам беради.

Биз лойиҳа қоидалари билан танишар эканмиз, зиммамизда катта вазифалар турганлигини ҳам ҳис этяпмиз. Ишлаб чиқариш учун фақат билимдон мутахассис тайёрлашнинг ўзи камлик қилади. Ўрта махсус ўқув юртларида ғоявий етук, сиёсий баркамол, ишлаб чиқариш командирларини тарбиялаш кун тартибидан қатъий ўрин олиши керак. Бунинг учун эса аввало педагоглар малакасини ошириш лозим бўлади. Биз ана шу вазифаларни ҳам бундан буён сидқидиллик билан бажаришга ҳаракат қиламиз.

Педагог кадрларнинг малакасига кўпроқ эътибор берамиз.

**Э. АБИРОВ,**
**Тошкент қурилиш техникумининг директори.**

### ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА КЎПРОҚ ШУҒУЛЛАНСИН

АСОСИЙ йўналишларда «Ўқув жараёнида ўрганиладиган материал ҳажмини кенгайтиришга зўр берилмоқда, бу эса ўқувчиларга ортиқча иш бўлиб, мустақил ижодий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантиришга путур етказмоқда» дейилади.

Ана шу ҳақда мен ҳам кўпдан бери ўйлаб юрардим. Ҳақиқатан ҳам бизнинг олий ўқув юртларимизда студент танлаган ихтисослиги бўйича билим ва амалий машғулотларга алоҳида кўп вақт ажратилмайди. Ҳамма фанлар баб-баравар ўқитилаверади. Аслида ихтисослик бўйича кўпроқ ўзига «юк» олиб шуғулланадиган талабадан келгусида малакали мутахассис чиқиши тайин.

Асосий йўналишлардаги ҳар бир касб эгасининг ўз жойида ишлаши тўғрисидаги фикрларга ҳам жуда-жуда қўшиламан. Чунки қайси ихтисосликда бўлмасин, давлатимиз у кадрга катта маблағ сарфлаб, билим берган. Айни пайтда ундан самара ҳам кутади.

Ҳозирги пайтда эса қишлоқ хўжалиги иши билан шуғулланаётган ўқитувчини, трамвай ҳайдаётган агрономни, токарлик дастгоҳини бошқараётган инженерни, мактабда ўқитувчилик қилаётган мелиораторни кўриш мумкин. Айрим олий маълумотли ишлаб чиқариш мутахассислари эса ўз ўринларини соя-салқин жойлардаги савдо шохобчаларида деб билмоқдалар. Бундай кишилардан жамиятимизга манфаат кам. Шу жиҳатдан олганда лойиҳадаги мутахассислардан тўғри фойдаланиш борасидаги талаблар жуда ўринлидир.

**З. САЛОҲИДДИНОВ,**
**Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг кафедра мудири, биология фанлари кандидати.**

## ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

7 июнь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида республика саноат ишлаб чиқариши илғорларига тантанали вазиятда СССР орден ва медаллари топширилди. Улар ўн биринчи беш йиллик топшириқларини ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган муваффақиятлари учун ана шу мукофотларга сазовор бўлдилар.

Ишлаб чиқариш илғорлари, маданият арбобларидан бир группасига Ўзбекистон ССР фахрий унвонлари берилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар ва тегишли кўкрак нишонлари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Юксак мукофотларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский топширди.

(ЎзТАГ).

## СИФАТЛИ ИШЛОВ — ҲОСИЛГА ГАРОВ

ДЕҲҚОН тадбиркорлик билан иш юритиб, гектарларни тўлиқ, кўчатларни бут қилса кузда мўл ҳосил кўтариши турган гап. Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозида ернинг тили ва сирини биладиган уста пахтакорлар оз эмас. Ана шулардан бири 6-бригада бошлиғи Исмат Ҳасановдир.

Исмат ака бошлиқ коллектив аъзолари ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида 102 гектар майдонга чигит экиб, ернинг табиий намига ундириб олдилар. Шу кунгача ғўза қатор оралари иккинчи культивациядан чиқарилди. Минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирилди. Бригада механизатори Т. Бойдилов кунига етти гектардан зиёд майдондаги кўчатларга ишлов бераяпти.

Б. Қурбонбоева, М. Хўжамқулова, М. Алибоева, А. Турдиева сингари илғорлар ғўзаларни ягана қилишда бошқаларга намуна бўлдилар.

Бу йил бригада деҳқонлари экин майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилишган.

**О. НУРУШЕВ.**

